

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ БОШҚАРИШДА  
РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСУЛЛАРИ

*Ҳакимов Фируз Норбой ўгли*  
*Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич*  
*таълим факультети” Бошланғич таълим*  
*педагогикаси кафедраси ўқитувчиси*  
*Ортиқова Дилсабо Мунавваржон қизи*  
*Низомий номидаги ТДПУ “Бошланғич*  
*таълим факультети” 2-курс талабаси*

**Annotatsiya:** Мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологияларнинг долзарблиги, мазмуни ва унинг моҳияти, механизмлари ҳамда умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологияларидан фойдаланиш йўллари ёритилган.

**Калит сўзлар:** рақамли технологиялар, бошқариш, механизмлар, умумий ўрта таълим ҳамда таълим технологиялари.

**Аннотация:** В статье освещается актуальность цифровых технологий в управлении образовательными учреждениями в современном Узбекистане, ее содержание и сущность, механизмы и способы использования цифровых технологий в управлении общеобразовательными учреждениями.

**Ключевые слова:** цифровые технологии, управление, механизмы, общее среднее образование и образовательные технологии.

**Abstract:** The article highlights the relevance of digital technologies in the management of educational institutions in modern Uzbekistan, its content and essence, mechanisms and ways of using digital technologies in the management of educational institutions.

**Key words:** digital technologies, management, mechanisms, general secondary education and educational technologies.

Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик ишларини йўлга қўйиш ва салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратишлар бўйича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 28 январь кунги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармони билан 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. [1, 2].

Ҳозирги кунда таълим-тарбия жараёнларда ўқувчиларнинг ўқув-билиш

фаолиятини фаоллаштиришга қаратилган коплаб ўқитиш технологиялари ва тренинглардан кенг қўлланилмоқда. Жумладан: муаммоли таълим, ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳа, кейс, иш фаолиятини ифодаловчи турли ўйинлар, тренинглар, баҳс-мунозаралар (нуқтаи назар, ток шоулар) ни ташкил қилиш ва ҳоказолардир [3, 4].

Бутун дунёни бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш барча соҳаларга жадал кириб бормоқда. Шу жумладан ҳам Ўзбекистон республикаси таълим тизимини янада ривожлантириш ва механизмлаштириш бўйича Президентимиз Ш.Мирзиёев кўп бора таъкидлаб айтиб келмоқдалар. Бугунги кунда таълим соҳасини стратегик бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш ва йўлга қўйиш бўйича кенг кўрамли ишлар йўлга қўйилиб келинмоқда.

Таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш механизмларидан глобал ва тарқалган маълумотлардан оқилона ва рефлексли фойдаланиш бўйича кўникма ва саводхонликни эгаллаш малака ва маҳоратига эришишга имкон беради.

Рақамли технологиялар билан ишлаш уларни ривожлантиришга рефлексив ва танқидий, шу билан бирга изланувчан, очиқ ва келажакка қаратилган муносабатни талаб қилади. Биз аниқлаган технологиялар ўқувчиларнинг таълим фаолиятига бўлган қизиқишини рағбатлантиради, уларнинг мантиқий ва ижодий фикрлашини ҳамда рақамли компетенциясини ривожлантиради. Такдим етилган рақамли технологиялар касб-ҳунар таълими мутахассисларининг меҳнат бозорида рақобатбардош бўлишига хизмат қилувчи вазифаларни тўлиқ бажармоқда. Ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, таълим жараёнини рақамлаштиришда йўл қўйилаётган асосий камчиликлар аниқланди. Хусусан, ўқувчиларнинг ўз-ўзидан таълим олишда рақамли технологиялардан фойдаланиш бўйича тайёргарлиги етарли емаслиги тасдиқланади. Аниқлик киритилишича, рақамлаштиришнинг паст даражаси методик таъминотнинг етарли емаслиги ва алоҳида дидактик вазиятларда бундай технологиялардан фойдаланиш йўллариининг нотўғри тавсифлангани билан боғлиқ. Таъкидланганидек, рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши ва уларнинг таълим фаолиятида кенг қўлланилиши кейинги йилларда олий таълим муассасаларида жадал рақамлаштиришни оптимистик прогноз қилиш учун асос бўлмоқда.

Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кутилаётган илмий янгиликлар:

✓ Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш долзарб педагогик муаммо эканлиги асосланади.

✓ Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш жараёнининг мавжуд ҳолати ва бу соҳадаги илғор хорижий тажрибалар таҳлил қилинади.

✓ Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш усуллари, йўллари, методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш.

✓ Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланишга оид тажриба-синов ишлари таҳлил қилинади ҳамда унинг самарадорлик даражаси аниқланади.

✓ Назарий қоидалар, ижтимоий-иқтисодий соҳанинг рақамли трансформациясини бошқариш методологияси ва амалий воситаларини ишлаб чиқиш;

✓ Рақамли платформаларни яратиш ва ривожлантиришга асослаш.

Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

✓ умумий ўрта таълим муассасаларини бошқарувнинг турли даражаларида ахборот тизимлари ва технологияларини кўриб чиқиш;

✓ умумий ўрта таълим муассасаларини ахборот тизимлари ва технологиялари билан ишлашнинг ўрганилган усуллари ва мустақил ҳал қилиш қобилиятини ривожлантириш;

✓ умумий ўрта таълим муассасаларини бошқарув мақсадларида муайян ахборот технологияларини жорий этиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;

Ушбу мақолада биз умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш, рақамли технологияларга асосланган мактабдаги ўзгаришларга умид ва ишонч боғлаш ҳамда ўқитишда технологиядан фойдаланишнинг ҳақиқий ҳолати ўртасидаги тафовутни бартараф етишимиз кераклигини таъкидлаймиз.

Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш методологиясини яратиш малакали ёндашувнинг комбинацияси ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш зарурати қуйдагилар:

- умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда ўқув материаллари ва

замонавий ахборот технологиялари билан таъминлаш учун тармоқли дастурлаш алгоритмили модуллар асосида ўқитиш;

- умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда платформаларини шакллантириш ва замонавий дастурий технологияларидан фойдаланиш тамойилларини ишлаб чиқиш;

- умумий ўрта таълим муассасаларини бошқаришда таълим технологиялари билан таъминлаш ҳамда тест мониторинги процедуралари ва дастурий таъминот учун методологияни ишлаб чиқиш.

Рақамли технологиялар ўқитиш ва ўқитиш форматини ўзгартириб, ахборотни таълим жараёнида ўқитувчи ва талаба ўртасидаги боғловчи воситага айлантиради.

Хулоса қилиб айтганда Дунёда шундай давр келдики, таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш салоҳияти ва жамиятнинг илмий даражаси компьютерларнинг умумий қуввати ва ахборотни қайта ишлашнинг технологик мукамаллиги билан белгиланади. Таълим муассасаларини бошқаришда рақамли технологиялардан фойдаланиш ахборотни қайта ишлаш қобилиятини оширадиган принципал жиҳатдан янги ишлаб чиқариш модулли дастурлар ва технологиялари билан жиҳозлаш ва ривожлантиришни талаб қилувчи энг муҳим вазифадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 6108 - сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 январь 2022 йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 60-сонли Фармони.
3. Norboy o'g'li, H. F. (2023). Umumiy o'рта ta'lim muassasalarini boshqarishda raqamli texnologiyalardan foydalanish mexanizmlarini takomillashtirish: 1-SON 1-TO'PLAM IYUL 2023 yil. Ta'lim innovatsiyasi va integratsiyasi, 1(1), 276-281.
4. Inoyatova, Z., Karomatova, D., Adilova, M., & Khakimov, F. Improving the mechanisms of using digital technologies in the management of general secondary education institutions.
5. Hayitov, A., & Abdurasulova, F. (2022). Interfaol metodlar asosida boshlang'ich sinflar darslarini samarali tashkil etish usullari. Science and innovation, 1(B7), 598-604.
6. Hayitov, A., & Azizova, S. (2022). Abu nasr farobiyning “fozil odamlar shahri” asari-bugungi kun yoshlarining ma'naviyat maktabi sifatida. Science and innovation, 1(B7), 432-438.
7. Hayitov, A., & Mansurova, S. (2022). Integrativ yondashuv asosida boshlang'ich sinif o'quvchilarida ekologik kompetensiyalarni shakillantirishning pedagogik

- shart-sharoitlari. *Science and innovation*, 1(B7), 1009-1015.
8. Hayitov, A., & Yusupova, I. (2022). Integrativ yondashuv asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarida mantiqiy fikrlash kompetensiyalarini rivojlantirish usullari. *Science and innovation*, 1(B7), 1262-1267.
  9. Hayitov, A., & Xo'shboqova, F. (2022). Integrativ yondashuv asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarida kommunikativ madaniyatni shakllantirish. *Science and innovation*, 1(B7), 1028-1034.
  10. Muxammadeva, X. K., Nurmuratova, I., Tulaganova, S., & Jumaniyazova, M. (2022). O'quvchilardagi kitobxonlik madaniyati orqali altruistik motivlarni rivojlantirish. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(3), 1284-1288.
  11. Мухаммадиева, Х. К., & Исмагуллаева, Ф. Р. (2022). Бошланғич синфларда дидактик жараёнда боланинг ривожланишини таъминловчи технологияларни такомиллаштиришнинг илмий-педагогик таҳлили. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(2), 77-82.
  12. Muhammadiyeva, X. K., & Ergasheva, G. Z. (2021). Boshlang'ich sinf o'quvchilarining nutq madaniyatini shakllantirish metodikasi. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 1(2), 10-14.
  13. Караматова, Д. С. (2021). Синфдан ташқари машғулотлар орқали ўқувчиларни ижодий фаолиятга йўналтириш методлари. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 1(2), 4-9.
  14. Sadinovna, K. D. (2022). Integrative approach to forming ecological culture of future primary class teachers. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 6, 82-86.
  15. Sadinovna, K. D., & Qizi, M. M. M. R. (2022). Boshlang'ich sinflarda ta'lim sifatini oshirishda texnik vositalardan samarali foydalanish. *Science and innovation*, 1(B2), 152-154.
  16. Rahmatova, F., & Abrorxonova, K. (2021). Educational issues in the works of enlightened intellectuals. *Boshlang'ich ta'limda innovatsiyalar*, 1(Архив№ 2).
  17. Abrorkhonovna, A. K. (2022). FORMATION OF A SENSE OF PATRIOTISM THROUGH TOURISM IN THE CURRENT TEXTBOOK" UPBRINGING" OF PRIMARY EDUCATION. *British Journal of Global Ecology and Sustainable Development*, 5, 70-74.
  18. Abrorkhonova, K., & Khudoyberdieva, S. (2022). VIRTUAL TOUR IN PRIMARY SCHOOL. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(06), 72-77.
  19. Abrorkhonova, K., & Khudoyberdiyeva, S. (2022, June). ORGANIZATION OF EXCURSIONS IN PRIMARY SCHOOL CLASSES. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 139-143).
  20. Abrorxonova, K. A., & Qizi, S. M. S. (2022). BOSHLANG 'ICH SINIF "TARBIYA" DARSLARINI TASHKIL ETISHNING USUL VA VOSITALARI. *Science and innovation*, 1(1), 54-61.